2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 74 (863), 2023 йил 18 апрель, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев озиқ-овқат тармоқларини қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл ва арзон бўлишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Фермер ва тадбиркорларга яратилган имкониятлар натижасида маҳсулот етиштириш ҳажми ортмоқда.

Хусусан, 2022 йилда чорвачиликда 1 минг 400 та лойиҳа амалга оширилиб, қорамоллар сони 14 миллион, қўй-эчкилар сони 24 миллион бошга етган. Паррандачилик хўжаликлари сони 1 минг 300 тани ташкил этиб, тухум етиштириш 4 фоиз, гўшт етиштириш 28 фоизга ошган. Балиқчилик йўналишида 290 та лойиҳа амалга оширилиб, 502 минг тонна гўшт, 27 минг тонна асал етиштирилган.

Шу билан бирга, бу тармоқларда озуқа ва ер етишмаслиги, айланма маблағлар билан боғлиқ бир қанча муаммолар бор. Шу боис, соҳа вакилларининг фикрлари ўрганилиб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мутасаддилар мазкур тармоқларда жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Хусусан, Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг грант маблағлари ҳисобидан ҳудудларда сут йиғиш марказлари ташкил этилади. Уларга камида 100 та аҳоли хонадони бириктирилиб, кооператив тизим йўлга қўйилади.

Кластерлар томонидан 64 та чорвачилик комплекси барпо этилади. Жаҳон банкининг маблағлари жалб қилиниб, чорва молларини идентификация қилиш тадбирлари бошланади.

Паррандачилик хўжаликларига озуқа ва айланма маблағлар учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 35 миллион доллар йўналтирилади. Мазкур кредитлар самарадорлигини “Паррандасаноат” уюшмаси кузатиб боради. Наслли жўжалар импортини қўллаб-қувватлаш учун субсидия миқдори оширилади.

Буларнинг натижасида парранда гўшти етиштириш ҳажмини йилига 800 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Балиқчилик учун ҳам бир қатор қўшимча имкониятлар белгиланмоқда. Хусусан, бундан буён табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш онлайн аукцион орқали бўлади. Тармоқда 241 та, жумладан, креветкани саноат усулида етиштириш лойиҳаси амалга оширилади. “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастури доирасида балиқчилик лойиҳалари учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

Буларнинг эвазига жорий йилда 850 минг тонна балиқ етиштириш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари табиий кўллар ва дарёларда балиқ овлаш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг бўйида маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қиладиган экотуризм масканлари барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатиш кўламини ошириш вазифаси қўйилди. 50 минг гектар боғ ва 200 минг гектар дала четларида асалари уяларини жойлаштириш, қўшимча шароитлар яратиб, аҳолини асаларичиликка жалб этиш чоралари белгиланди.

Президентимиз бу тизимларни такомиллаштириш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ




## РЕФЕРЕНДУМ – ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ



### Тизимли ишлар

Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Конституциямизни ислоҳ қилиш борасида ўз вақтида бошланган ва собит давом эттирилаётган ишлар янги, янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Буни амалга оширилаётган тизимли ишлар жараёнидан ҳам кўриш мумкин.

Ушбу конституциявий ислоҳотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этганини халқимиз улкан мамнуният билан кутиб олди.

Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотларнинг ташаббускори ва ижодкори — халқимиз. Халқимиз томонидан сайланган вакиллар — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик вакилларидан иборат Конституциявий комиссия томонидан аҳолининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари тўплангани ва мутахассислар иштирокида пухта ўрганиб чиқилгани фикримиз далилидир. Икки босқичда амалга оширилган халқ фикрини ўрганиш жараёнида пухта такомиллаштирилган Конституция лойиҳаси билан 5 миллиондан ортиқ юртдошимиз танишгани, 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ва лойиҳа олти турдаги экспертизадан ўтказилгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу фаоллик — халқимизнинг ўз келажагига, эл-юртимиз, мустақил Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғуси сўнгги йилларда нақадар юксалганининг амалдаги ифодаси.

Давоми 3-бетда

ИФТИХОР

## ТИНЧЛИК ВА БАХТ ҚЎШИҒИНИ КУЙЛАЁТГАН ШАҲАР

**Бир куни домламиз — журналистика факультети профессори дарс пайтида талабаларга ҳар ким ўзи яшайдиган шаҳарга сайёҳларни жалб этадиган реклама шиорини ўйлаб топиш ҳақида топшириқ берди. Она юрти Симферополь, Қозон, Самарқанд, Хива, Бухоро бўлган курсдошларим дарҳол ўз шаҳарларининг диққатга сазовор тарихий обидаларини мақташга тушиб кетди. Мен эса ўйланиб қолдим...**



Ахир менинг шаҳрим ҳали жуда ёш, унда тарихий ёдгорликлар ҳам, гўзал афсоналар ҳам деярли йўқ ҳисоби эди. Шунда мен оддийгина қилиб: “Навоийга бир бор келган инсон уни ҳеч қачон ёдидан чиқармайди”, деган жумлани ёзиб қўйдим.

Профессор домламиз ёрқин ташбеҳ билан ҳайратлантира олмаганим учун мен тузган жумлага унчалик рўйхушлик бермади. Лекин орадан йиллар ўтгач, юртимизга хизмат сафари билан келган ўша устозимиз буюк Алишер Навоий номи билан аталган бу шаҳарнинг чинакам кўрку жозибасидан ҳайратда қолди.

... Тонг оқара бошлаши билан муаззам кент аҳлини масжидлардан таралган азон товуши уйғотади. Унинг ортидан эса янги кун бошланаётганидан хабар бериб, православ черковлари қўнғироқлари жаранглайди. Кўп қаватли уйлар деразаларида жилва қилган қуёш нурлари бамисоли олмос парчалари каби ялтирай бошлайди. Саҳархез қушлар чуғур-чуғурига аста-секин машиналар шовқини жўр бўлиб, бедор ҳаёт симфониясини ижро этишга киришади.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ




## ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ: МАНФААТЛИ САВДО ВА БАРҚАРОР БОЗОРЛАРНИ ЯРАТИШ ИМКОНИЯТИ

**“Келгуси уч йилда тайёр маҳсулот экспортини 2 баробар оширишни режа қилганмиз. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли — Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш. Бу 164 та давлат билан адолатли савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор бозорларни яратиш имконини беради”.**

Давоми 4-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

## АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР
### Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

**Давлатимиз раҳбари шу йил 11 апрель куни ўтказган видеоселектор йиғилишида ёшларга сифатли таълим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга эътибор янада кучайтирилишини таъкидлади. Жумладан, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қизиқишларини инобатга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиб, соғлом фикр берадиган манбаларни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Маънавий тарғибот қамровини янада кенгайтириш, Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш, барча соҳаларда ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган “Янги Ўзбекистон ёшлари” дастурини ишлаб чиқиш, қонунчиликни ўзгартириш бўйича таклифлар илгари сурилди.**

Давоми 5-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

## МЕҲРЛИ СИЁСАТНИНГ АДОЛАТЛИ ҲАҚИҚАТИ

**Фарзанд ёруғ дунёга келар экан, ота-она унга яхши тарбия беришга ҳаракат қилади, меҳр билан вояга етказади, ўқитади, уйли-жойли қилади. Аммо барча фарзанд тақдири ҳам бирдай ёрқин ва тўкис эмас. Айниқса, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўғил-қизлар болалиги ота-она меҳрига ташналик, кўнгли ўксиклик билан ўтади. Вояга етгач, бу қисматга бошпанасизлик, ишсизлик ва чорасизлик ҳам қўшилади.**

Давоми 6-бетда

ИФТИХОР

# ТИНЧЛИК ВА БАХТ ҚЎШИҒИНИ КУЙЛАЁТГАН ШАҲАР



Бошланиши 1-бетда

Гавжумлашиб қолган шаҳар кўчаларида одамлар ишга, ўқиш ва машғулотга ошиқмоқда, улар бир-бирига табассум ва илтифот билан салом бериб ўтадилар...

Шаҳарнинг мана шу ажойиб мусиқасига қулоқ тутар экансиз, гўё унинг дукиллаб ураётган юрак зарбини ҳам эшитгандек бўласиз.

Кўп асрлар олдин бу ерлар қумтепалардан иборат бўлган. Қизилқум чўлларининг жазирама қуёши остида қовжираб-қотиб қолган қумтепалар аро бепоён Буюк ипак йўли орқали савдо карвонлари ўтган. Ҳафталар, ойлар давомида бетиним ҳаракатланган бу карвонлар фақат чанқоқни қондириш учунгина сардобаларда тўхтаб нафас ростлаган, холос.

Кўз илғамас уфқларга қадар ястаниб ётган бу чўлу биёбон бир неча юз йиллар давомида ўз қаърида беҳисоб хазиналарни яшириб келди. Фақатгина ўтган аср ўрталарида бу жойларга келган геологлар қумликлар остида олтин, уран ва бошқа фойдали қазилмаларга бой конлар борлигини аниқлашди.

1958 йилга келиб, улкан майдондан иборат ушбу ҳудудда катта қурилиш ишлари бошлаб юборилади. Собиқ Иттифоқдан кўплаб мутахассислар етиб келади. Ёз кунлари ҳаво ҳарорати 70 даражадан кўтариладиган, қишда эса совуқ 30 даражага қадар тушиб кетадиган бу минтақада меҳнат қилиш ва яшаш, албатта, осон бўлмаган...

Орадан неча ўн йиллар ўтгандан кейин фидокорона меҳнати билан чўлбиёбонларни илк бор обод қилган бу инсонлар шаънига қўшиқ ва достонлар битилади.

Воҳада улкан тоғ-кон корхонаси барпо этилиши ва унинг ёнида янги шаҳар қад ростлаши мамлакат раҳбарияти, шахсан республика етакчиси Шароф Рашидовнинг назорати остида бўлди. Бу воқеаларга гувоҳ бўлганларнинг эслашича, ўшанда, 1958 йилнинг 3 сентябрь куни корхонага илк тамал тоши қўйилишига бағишланган расмий маросимда Шароф Рашидович сўзга чиқиб, янги шаҳарга, албатта, муносиб ном қўямиз, деб таъкидлайди.

"Ўшандаёқ бу ном ҳақида турли тахминлар юрган эди, — дея хотирлайди қурилиш бошлиғи А.Коротков. — Мен Шароф Рашидовичга шаҳарнинг номи Шарқ тарихи ва маданияти билан боғлиқ бўлиши керак, деганимда, у киши қувониб, мени бағрига босган эди".

Тез орада ҳукуматнинг фармони билан янги шаҳарга буюк инсонпарвар шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг номи берилди.

Шу ўринда беназир аждодимиз ҳақида айтилган қуйидаги сўзларга қулоқ тутиш айни муддао бўлур эди:

**"Келинг, дунёда Алишер Навоийдек шоир бўлгани учун қувонайлик! Бизга шундай шоирни армуғон қилган ўзбек халқига катта раҳмат айтайлик. Уни фақат ўрганмасдан, тадқиқ этмасдан, ўқиб ҳам юрайлик. Уни ўзимизнинг шоиримизга айлантирайлик! Алишер Навоий жаҳон маданиятининг муштарак бойлигидир. Шоир буюк бир Уйғониш давридан чиқиб, янги Уйғониш даврига кириб келди".**

Бу ҳаққоний таъбир ленинградлик академик, таниқли шарқшунос олим Николай Конрадга тегишли.

Мутафаккир бобомиз номи билан аталган навқирон маскан жадал униб-ўсди, тараққий этди, индустриал салоҳиятини ошириб бориш билан бирга, ҳассос Шарқ шеъриятининг илҳомбахш гўшасига айлана борди. Замонавий, гўзал ва ҳар томонлама қулай шаҳар сифатида довруқ қозонди. Бугун Навоий шаҳри ҳақида сўз кетганда, чўлдаги афсонавий



сароб эмас, аксинча, ҳақиқий мўъжиза, йирик саноат обидаларига эга шаҳар тилга олинади.

Яшил табиат оғушига бурканган кўп қаватли уйларнинг бир текис саф тортиб туриши, соя-салқин кўчалар, истиқболга юзланган кенг ва равон йўллар, майдон ва хиёбонлар — буларнинг барчаси ягона меъморлик мажмуасини ташкил этади. Катта майдончали мактаб-боғчалар, кўплаб спорт иншоотлари, маданият саройлари бир-бирига ғоят уйғун ва монанд тарзда жойлашган бўлиб, ҳар қандай кишининг баҳри дилини очади.

Шўролар даврида ҳам ҳукмрон мафкура кўрсатмаларига зид равишда бу ердаги бино ва иморатлар пештоқлари партиянинг навбатдаги съездидан олинган баландпарвоз шиорлар билан эмас, нима учундир Алишер Навоийнинг ўлмас ҳикматлари билан безатилар эди. Гўёки ҳар қадамда Навоий бобомиз авлодларга юзланиб:

*"Одамий эрсанг демагил одами,*
*Оникким, йўқ халқ ғамидин ғами",* дея даъват қилаётгандек туюларди.

Коммунистик партия даҳолари ҳайкаллари ўрнига шаҳарда қатор-қатор кичик меъморлик обидалари, сув ҳавзалари, фавворалар қад ростлаб турарди.

Шаҳарнинг қоқ марказида машҳур "Фарҳод ва Ширин" достони қаҳрамони алпқомат Фарҳоднинг қояни ўйиб ариқ қазиётган тимсоли ўрнатилган бўлиб, ҳайкал остидан барқ уриб фаввора отилиб чиқарди. Унинг ёнида гўзал паривашлар рамзи акс этган "Уч дарё" такрорланмас композицияси бунёд этилган бўлиб, ленинградлик машҳур ҳайкалтарош Борис Свининнинг бу санъат асари шаҳарнинг "ташриф қоғози"га айланиб кетган эди. Алишер Навоий ҳайкали, шоир асарлари сюжетларининг оппоқ тошга ўйиб битилиши атроф инфратузилмаси билан ажойиб бир уйғунлик касб этарди.

Шаҳар аҳли аллақандай мавҳум номлар ўрнига кўчаларга ўз қаҳрамонлари, ёнларида яшаётган инсонлар — уруш фахрийлари, меҳнат зарбдорларининг номларини қўйган.

Лекин шаҳарнинг энг жозибали, энг катта бойлиги — унинг одамлари. Чўлу биёбонни илк бор ўзлаштирган, обод этганлар, бунёдкорлик ишлари кашшофлари, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳалари ташкилотчилари, замонавий корхоналар, ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширган эзгу ниятли оддий одамлар шаънига ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди.

Миллати ва диний эътиқоди турлича бўлган бу одамлар — ўз шаҳрини ўз қўллари билан бунёд этиб, унинг жозибаси ва гўзаллигини кўз қорачиғидек асраб келаётган навоийликлар бу бетакрор заминнинг ҳақиқий хазинасидир.

Айнан мана шундай инсонлар шаҳарга руҳ, файзу барака бағишлайди. Гарчанд уларнинг кўпи энди дунёдан ўтиб кетган бўлса-да, бу кишиларнинг азиз номлари, қилган эзгу ишлари авлодлар хотирасида сақланиб қолган. Шаҳарнинг ҳар бир янги авлоди бу анъанани уйғун тарзда давом эттиришга интилиб яшаётгани, айниқса, ибратлидир.

Навоий шаҳрининг майдони Тошкентнинг деярли ўндан бир қисмига, аҳоли сони бўйича эса йигирмадан бирига тенг келади. Шунга қарамай, бу шаҳар Ўзбекистоннинг йирик саноат марказларидан, мамлакат индустрияси байроқдорларидан ҳисобланади. Бу ерда дунёнинг энг йирик корхоналаридан бири — олтин ва уран қазиб олувчи Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, қишлоқ хўжалиги учун ўғит ишлаб чиқарувчи минтақадаги энг улкан "Навоийазот" корхонаси, қурилиш саноати етакчиларидан бўлмиш "Қизилқумцемент" корхонаси, катта қувватга эга Навоий ГРЭСи ва бошқа кўплаб саноат объектлари жойлашган. Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зона ҳам шу ерда фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз миқёсида ҳудуди бўйича энг катта минтақа маъмурий марказига айланган Навоий шаҳри қаторида вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва туман ўзига хос жозибага эга. Булар Навоий шаҳри билан изма-из барпо этилган саноатлашган шаҳарлар — машҳур Зарафшон ва Учқудуқ, бир вақтлар Бухоро амирлиги таркибида бўлган Кармана, дунёда энг қадимги қоятош битикларига эга Сармишсой дараси ва Навбаҳор шаҳри, бетакрор табиати, чашмалари билан маълуму машҳур, шахсан Искандар Мақдуний — Александр Македонскийнинг қалъаси ўрин олган Нурота, Буюк ипак йўли даврларига тенгдош ёдгорликлар макони Қизилтепа…

"Комсомольская правда" газетасининг 1985 йилги сонларидан бирида ёзилишича, навқирон Навоий шаҳрини кўриб, қаттиқ ҳайратга тушган франциялик таниқли шоир Жан Дрежак ва бастакор Мишель Легран Москвада бўлиб ўтган ёшлар фестивали арафасида дунё ёшларининг мана бу қўшиғини яратишган:

*"Чексиз пахтазорлар ортида*
*Оппоқ гўша — шаҳар намоён,*
*Унда айни навқирон ёшлар,*
*Муҳаббатга ошнолар шоён.*
*Улар нигоҳида тинчлик ва бахтнинг*
*Саодатли қўшиғи аён.*
*Шундай кент бор қуёш остида,*
*Қучоғида мўъжиза водий…*
*Бахт ва тинчлик қўшиқларини*
*Жўшиб куйлар аҳли Навоий".*



Бу қутлуғ масканда яқинда халқаро миқёсдаги муҳим тадбир бўлиб ўтди. Навоий шаҳри "Мумтоз шеърият" халқаро фестивали ва ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлигининг I йиғилишига мезбонлик қилди.

Ташкилотчилар жой танлашда янглишмади. ТУРКСОЙ Бош котиби, таниқли адиб Султон Раев бу йиғинни "тарихий учрашув", деб атади. Кўп сонли меҳмонлар, машҳур шоир ва ёзувчилар навқирон шаҳримизнинг жозибасидан ҳайратга тушганини самимий сўзлар билан изҳор этди.

Меҳмонлар орасида туркиялик Муҳаммад Энес Кала, озарбайжонлик Анар Рзаев, қозоғистонлик Улуғбек Есдавлат, қирғиз Нурланбек Қалибеков, татаристонлик Ркаил Зайдуллин, бошқирд Айгиз Баймуҳаметов ва бошқа таниқли ёзувчилар бор эди.

Шунингдек, миллий адабиётимизнинг таниқли вакилларидан Сирожиддин Сайййд, Муҳаммад Али, Усмон Азим, Эшқобил Шукур, Ўрозбой Абдураҳмонов, Маҳмуд Тоир, Гавҳар Ибодуллаева, Фармон Тошев сингари ўнлаб истеъдодли ижодкорлар ҳам Навоий шаҳрида жам бўлди.

Дарҳақиқат, бу масканга илк бор келган ҳар бир сайёҳ унинг нақадар озодалиги, саранжомлиги, ўз шаҳрини яхши кўрадиган, унинг бугунги куни ва келажаги ҳақида бош қотирадиган Навоий аҳлининг иссиқ истарасию хуш муомаласидан ҳайратда қолади.

Маҳаллий аҳолининг ана шундай жонкуярлиги, фаоллиги туфайли шаҳримиз ажойиб меъморий кўркини сақлаб қола билди.

Мустақиллик йилларида унинг қиёфаси шаҳарсозликнинг энг сўнгги андазаларига жавоб берган ҳолда тараққий этди. Ёшлар саройи, спорт мажмуалари, шинам меҳмонхоналар, халқаро аэропорт, темир йўл вокзали шаҳар кўринишига янгича жозиба бахш этди.

Навоий вилояти марказдан энг узоқ ҳудуд деб ҳисобланадиган даврлар ортда қолди — зеро, "Афросиёб" тезюрар поезди сизни уч соат ичида пойтахтдан ушбу бетакрор кентга етказиб келади.




Айтиш керакки, навоийликларни хавотирга солаётган бир масала ҳам йўқ эмас: қурилиш ишлари авж олган бугунги кунда, айниқса, Навоийнинг янги микротуманларида шаҳар қиёфасига мос келмайдиган турли-туман бино ва иншоотлар пайдо бўла бошлади.

Ғоят мураккаб, оғир иқлим ва об-ҳаво шароитида униб-ўстирилган дарахтлар баъзи жойларда аёвсиз кесиб ташланмоқда, шаҳарнинг ўзига хос қиёфасига путур етказилмоқда.

Бундай чуқур ўйланмаган, пала-партиш қурилишлар қандай нохуш оқибатларга олиб келаётганини биз айрим йирик шаҳарларимиз мисолида кўриб турибмиз.

Албатта, янги қурилишлар, шубҳасиз, бўлиши керак. Чунки аҳоли сони ошиб бораётгани, одамларни уй-жой, иш билан таъминлаш, савдо ва маиший объектларни барпо этиш зарурлиги реал ҳақиқатдир. Муҳандислик инфратузилмалари — сув ва газ, канализация тармоқларини, чиқиндиларни йўқ қилиш тизимларини йўлга қўйиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа.

Лекин қурилиш ишлари ҳар томонлама пухта ўйланган ҳолда бажарилиши, шаҳарнинг йиллар давомида шаклланган тарихий-меъморий қиёфаси экологик меъёрлар, шаҳарсозликнинг энг сўнгги андазаларига қатъий амал қилган ҳолда сақлаб қолиниши лозим.

Бунда, энг аввало, шаҳар аҳолиси, жамият ва давлатнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак. Зеро, Шаҳарсозлик кодекси нормаларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари фуқаролар билан маслаҳатлашув, ижтимоий муҳокама ва холис экспертизалар асосида олиб борилиши зарурлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Бу ўринда, биринчи навбатда, Навоий аҳли бефарқ бўлмаслиги, жонажон шаҳрининг келажаги йўлида фаоллик кўрсатиши, айниқса, муҳимдир.

Бизнинг умумий бурчимиз бу шаҳарни келгуси авлодлар, фарзандлар ва набираларимиз учун бутун жозибаси билан сақлаб қолишдан иборат. Зеро, биз навоийликлармиз. Биз — саҳроларни бўйсундирган, чўлда бўстон яратган инсонларнинг ворисларимиз.

… Мана, қуёш ҳам секин-аста уфққа ёнбошлаб, шаҳар кўли узра алвон шафақ оҳиста жилва қила бошлади. Шаҳар ғала-ғовури ҳам аста-секин тинмоқда. Заводларнинг шовқини пасайиб, минглаб чироқлар ёғдуси чор атрофни файзу зиё билан чулғамоқда.

Шаҳар марказидаги майдонда оркестр садолари янграб, одамлар кечки шаҳар кўчаларини тўлдира бошлайди. Болажонларнинг шодон кулги ва қийқириқлари дилларга қувонч бағишлайди.

Бу — бизнинг шаҳримиз. Биз сени севамиз, гўзал ва бетакрор Навоий!

**Феруза КУБАРЕВА**

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

# ҲАЁТБАХШЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ҲУЖЖАТ

**Конституциямиз референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиниши мамлакатимиз тарихида биринчи марта бўлаётган катта тарихий воқеа. Зеро, референдум халқ иродасининг ифодасидир.**



**Раҳбар ХОЛИҚОВА,
тарих фанлари доктори,
профессор**

Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган конституциявий тамойилга асосланади. Бу бевосита халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қилади. Бош қонунимизга киритилаётган ўзгартишлар негизида Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар моҳиятини белгиловчи "Инсон қадри учун" деган улуғвор ғоя мужассам. Ҳар бир модда халқ учун муносиб шароит яратишга йўналтирилгани ва инсонни улуғлашга қаратилгани билан муҳим ва эътиборли.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилаётганини жуда муҳим ижтимоий воқеа, деб биламан.

Бу норма одамларнинг уй-жойи бузилиши ва "снос"лар билан боғлиқ муаммоларга етарли ечим бўлади. Уй-жойидан маҳрум бўлган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарнинг ўрни олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши ҳам таъминланади. Шунингдек, унда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланиши ҳам ўз аксини топмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда юритилаётган инсонпарварлик сиёсатига ҳамоҳанг бўлиб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, айниқса, эҳтиёжманд қатлам вакилларининг уй-жойга эҳтиёжини ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Яна бир муҳим янгилик. Агар референдумда янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси қабул қилинса, ОТМларга жорий йилдаги кириш имтиҳонларида Конституциядан ҳам саволлар киритилади.




Мамлакатимиз кўп миллатли. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик Ўзбекистондаги сиёсий барқарорликнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистонда бу борада зарурий, ҳуқуқий шарт-шароитлар, мустаҳкам пойдевор яратилган. Янги таҳрирдаги Конституциямиз бу жабҳадаги ишлар ривожида муҳим дастуруламал бўлади. Зеро, Бош қонунимизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши белгиланган.

Асосий қонунимиздаги бу талаблар Янги Ўзбекистон муҳитида мазмунан бойиб, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ, амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасида ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бу йўналишда тизимли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, қўмита юртимиздаги 140 га яқин миллий-маданий марказ фаолиятига яқиндан кўмаклашиб, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, келажак авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Республика мақомидаги миллий-маданий марказлар айнан шу қўмита биносида жойлашган. Ҳар бир байрамда марказлар ўз дастурлари билан элнинг қувончига шерик бўлиб, тантаналарга шукуҳ бағишлаб келмоқда.

Ҳар бир миллий-маданий марказ, барча диний конфессиялар вакиллари тотувликда турли тадбирларда иштирок этиб, ягона Ватан — Ўзбекистонни тараннум қилмоқда. Бу бебаҳо имкониятни кўриб, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка беадад шукроналар айтамиз.

Бундай фаровон ҳаётга эришишимизда, шубҳасиз, Бош қонунимиз муҳим дастуруламал ҳужжатдир. Шу боис, янги таҳрирдаги Конституциямизда акс этган ҳар бир янгилик ва ўзгаришни чуқур ўрганишимиз ва халқимизга тарғиб этиш асосий вазифадир. Зеро, Конституциямиз бугунги фаровон ҳаётимиз, ёруғ келажагимиз ва юксак тараққий этган Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлажак.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI

# РЕФЕРЕНДУМ – 2023

# ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ



**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони**

Бошланиши 1-бетда

Конституциямизга биноан, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ҳисобланади. Ушбу ваколатлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 9-10 март кунлари бўлиб ўтган навбатдаги ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масала батафсил муҳокама қилинди ва референдум санаси белгиланди.

Конституциявий суд Қонунчилик палатасининг конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказишга доир қарорини Конституцияга мувофиқ деб топди. Олий Мажлис Сенатининг 14 март куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида референдум санасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга кўра, референдумга қўйилаётган масаланинг матни ҳам референдум тайинланганда Олий Мажлис томонидан маъқулланади. Олий Мажлис палаталарининг қарорларида белгиланганидек, жорий йил 30 апрель, якшанба куни бўлиб ўтадиган референдум бюллетенида: “Сиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини қабул қиласизми?” деб ёзилади.

Бир сўз билан айтганда, шу йил 15 март куни матбуотда эълон қилиниб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни лойиҳаси том маънода халқ Конституцияси сифатида яратилди.

## Масъулиятли жараён

Ўзбекистон Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга биноан, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Айни кунларда бу масъулиятли жараён Марказий сайлов комиссияси томонидан референдумга оид қонунчиликда белгиланган тартиб-тамойиллар асосида изчиллик билан мувофиқлаштириб борилмоқда. Аввало, Марказий сайлов комиссиясининг 16 март куни бўлиб ўтган мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш календарь режаси тасдиқланди ва ижросига жадал киришилди.

Марказий сайлов комиссиясининг шу муносабат билан тасдиқланган ва расмий веб-сайтида ўша куниёқ эълон қилинган қарорларида бўлажак референдумга тайёргарлик кўришга оид энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида референдум округлари тузилиб, мазкур сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир харажатлар сметаси тасдиқланди, референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малака оширишини ташкил этиш концепциясининг кейинги босқичларини амалга ошириш чоралари белгиланди. Матбуот маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган референдум ўтказувчи ўн тўртта округ комиссияси таркибига сайлов ҳамда референдум ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар, жумладан, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, педагоглар, шифокорлар, муҳандислар, журналистлар ва бошқа касб вакиллари киритилди. Референдум ўтказувчи округ комиссиялари жами 266 аъзодан иборат бўлиб, шулардан аёллар 112 нафарни, яъни 42 фоизни ташкил этди. Округ комиссияларида раҳбарлик (раис, раис ўринбосари ва котиб) лавозимларида фаолият юритаётган аёллар салмоғи эса 38 фоиздир. Округ комиссиялари раислигига илк бор икки аёл тасдиқланди.

## Эзгу мақсад

Референдум ўтказувчи 10 минг 758 участка комиссияси аъзолари таркибидан қарийб 117 минг фуқаро жой олди.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга кўра, референдум участкалари референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзоларининг умумий сифат таркиби таҳлил қилинганда, жами аъзолардан қарийб 80 фоизи сайловларда иштирок этган, тажрибали фуқаролар экани аён бўлади.

Участка комиссиялари аъзолари сафида аёллар иштироки 49,7 фоиз. Айни пайтда комиссиялар раисларининг 37,7 фоизини, раис ўринбосарларининг 40,6 фоизини, котибларнинг 53,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бошқача айтганда, референдум ўтказувчи участка комиссиялари раҳбарлари сафида аёллар ҳар қачонгидан кўп — ўртача 44 фоиз. Референдум ўтказувчи участка комиссиялари таркибида 21 ёшдан 40 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари 50,7 фоизни, ногиронлиги бўлган ижтимоий фаол фуқаролар вакиллари салмоғи эса 2129 нафарни ташкил этади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда гендер тенгликни ва хотин-қизлар ҳуқуқларини амалда таъминлаш, ёшларнинг, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик самарасидир. Шу билан бирга, ушбу рақамлар мамлакатимизда инсон қадри устувор бўлган жамиятга хос юксак маънавиятнинг амалдаги яна бир рўёбидир.

## Тайёргарликдаги такомил

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. Бу референдум ўтказувчи участка комиссияларидан то Марказий сайлов комиссиясигача — барча даражадаги референдум комиссиялари, референдумнинг барча ташкилотчилари ўз ишини миллий қонунчилик ва энг илғор демократик принциплар асосида ҳамда юксак ташкилий даражада амалга оширишини тақозо қилади. Бунда референдум ўтказувчи комиссиялар аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этиши, табиий.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепциясига мувофиқ, ушбу жараён босқичма-босқич амалга оширилди. Мазкур концепция асосида ташкил этилган семинар-тренингларда жами 120 мингдан зиёд референдум ташкилотчиси малака оширди.

Ўқув-методик материаллар асосида ўтказилган машғулотларда мамлакатимиздаги конституциявий ислоҳотнинг мазмун-моҳияти, референдумни ташкил этиш ва ўтказишда округ ва участка

> УЧАСТКА КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ САФИДА АЁЛЛАР ИШТИРОКИ 49,7 ФОИЗ. АЙНИ ПАЙТДА КОМИССИЯЛАР РАИСЛАРИНИНГ 37,7 ФОИЗИНИ, РАИС ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ 40,6 ФОИЗИНИ, КОТИБЛАРНИНГ 53,6 ФОИЗИНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИ САФИДА АЁЛЛАР ҲАР ҚАЧОНГИДАН КЎП — ЎРТАЧА 44 ФОИЗ. РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИДА 21 ЁШДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ 50,7 ФОИЗНИ, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛАР ВАКИЛЛАРИ САЛМОҒИ ЭСА 2129 НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

комиссияларининг ўрни, овоз берувчи фуқаролар рўйхатини шакллантириш ва ушбу рўйхатлар билан ишлашда округ ва участка комиссиялари олдида турган вазифалар, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш каби муҳим мавзуларда тушунчалар берилди.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ҳудудларга бириктирилган республика тренерлари тасдиқланган дастур бўйича малака оширган бўлса, кейин уларнинг ўзи 977 ҳудудий тренер учун Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида машғулотлар ўтказди.

Референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзолигига номзодларнинг билим ва кўникмасини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган семинар-тренинглар ҳам замонавий бино ва аудиторияларда интерактив усулларда — маъруза, симуляция, референдум жараёнларини моделлаштириш, видеодарс, видеоролик, референдумга оид қўлланмалардан кенг фойдаланган ҳолда ўтказилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Машғулотларда тингловчилар сони 21 нафардан кўп бўлмагани малака ошириш сифати ва самарадорлигини юқори даражада таъминлаш имконини берди.

Буни семинар-тренинг машғулотлари якунида тингловчилар топширган тест синовлари ҳам яққол кўрсатди. Синовда иштирокчиларнинг 27 фоизи энг юқори — 100 балл, 73 фоизи 90 ва ундан юқори балл олган бўлса, 0,2 фоиз тингловчининг тўплаган балли 70 дан ошди.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда яратилган “Referendum2023” мобиль иловасидан нафақат референдум ташкилотчилари, балки ҳар бир фуқаро референдум мавзусида ўзи истаган қонунни, қарору низомни, йўриқномаю дастурни, илмий, оммавий мақолаларни, қўлланмаю рисолаларни, ҳатто зарур телефон рақамларидан то интерактив харитагача осонгина топиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида фаол иш бошлаган Call-марказга 1200 қисқа ва бепул телефон рақами

> ШУ ЙИЛ 15 МАРТ КУНИ МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНИБ, ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛГАН “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ТОМ МАЪНОДА ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ СИФАТИДА ЯРАТИЛДИ.

орқали ҳар куни фуқаролардан кўплаб мурожаатлар тушмоқда. Саволларга референдум қонунчилиги ва амалиёти бўйича малакали экспертлар ва мутахассислар тезкорлик билан жавоб бермоқда.

Янги қулайлик — AR технологиялар орқали овоз бериш куни, овоз бериш участкасини аниқлаш ҳамда референдумга оид бошқа кўплаб маълумотларни ўзбек, қорақалпоқ, рус ҳамда инглиз тилларида олиш мумкин. Яратилаётган бундай қулайликлар самарасида эгалланган билим, орттирилган малака ва амалий тажриба референдумни юқори ташкилий даражада ўтказишга хизмат қилади.

## Юксак мақсадларни кўзлаб

Замонавий ахборот технологиялари ҳаётнинг барча соҳаларига, жумладан, миллий сайлов тизимига ҳам дадил кириб бормоқда. Сайлов жараёнларига ахборот технологиялари жорий этиш кўлами ва сифати муттасил ошиб, эришилган натижалар такомилига етказилмоқда.

Жумладан, жорий йилда бўлиб ўтадиган референдум куни овоз бериш жараёнини мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарлари ҳудудида жойлашган иккитагача референдум участкасида ўрнатилган видеокамералар орқали амалга ошириладиган видеотрансляциядан реал вақт режимида (онлайн) кузатиб бориш мумкин бўлади. Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказидаги экранларда, saylov.uz расмий веб-сайтида ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston-24” ва бошқа телеканаллари орқали ҳам овоз бериш жараёнини узлуксиз кузатиш имконияти яратилади.

Мухтасар айтганда, овоз бериш видеотрансляция қилинадиган референдум участкаларидаги барча жараёнларни нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки хорижда ҳам минглаб одамлар кузатиб бориши мумкин.

Референдум ўтказувчи 14-Тошкент шаҳри округ комиссияси тавсиясига биноан, пойтахтимиз туманларида жойлашган айрим референдум участкаларида референдум куни овоз берувчи фуқароларни биометрик идентификация қилиш тизими тажриба-синов тариқасида жорий этилади. Шу кунларда мазкур тизим жорий этиладиган референдум ўтказувчи элликта участка ҳудудида фуқаролар биометрик идентификация қилиниши ва уни амалга ошириш тартиби борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Референдум жараёнларига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилиши ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг энг юксак халқаро демократик тамойиллар асосида, очиқ-ошкора ва шаффоф ўтишида муҳим аҳамият касб этади.




## Янги имкониятлар

Муддатидан олдин овоз бериш — фуқароларнинг референдумда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим воситаси. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга кўра, референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи фуқаро муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Жорий йилда референдумда муддатидан олдин овоз бериш 19 апрель куни, яъни эртадан бошланиб, 26 апрель куни якунланади.

Референдум участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан соат 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари соат 12:00 дан соат 16:00 га қадар этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ушбу референдум участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 9:00 дан соат 18:00 га қадар амалга оширилади.

Аввалги референдумлар ўтказилган даврда қонунчилигимизда фуқаролар учун бундай қулай имкониятлар назарда тутилмаган эди. Юртимизда референдум охирги марта бундан 20 йил аввал — 2002 йил 27 январда ўтказилган. Ўтган давр мобайнида, айниқса, сўнгги олти йилда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида, жумладан, миллий сайлов тизимида ғоят улкан ўзгаришлар юз берди.

Инсон қадрини амалда юксалтириш тамойили давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифасига айланди. Буни фуқароларнинг сайлов ва референдумга оид ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлаш борасида собитқадамлик билан амалга оширилаётган ишлар кўлами ва самаралари ҳам кўрсатиб турибди.

Президентимиз 2022 йил 16 июнь куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан, референдумга доир қонунга зарур ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши бунинг ёрқин мисолидир.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига киритилган ўзгартишларга кўра, мамлакатимиз тарихида биринчи марта референдумда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ҳам кузатувчилар иштирок этади. Бу бўлажак референдум жараёнларини умумий ҳисобда 50-60 минг маҳаллий кузатувчи расман кузатиб боради, дегани. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, барча овоз бериш участкаларида уларнинг ва халқаро кузатувчиларнинг референдумни кузатишини эмин-эркин амалга ошириши учун қонунчиликда назарда тутилган барча шароитлар яратилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил 13 июлда бўлиб ўтган мажлисида тасдиқланган Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар фаолияти тартиби тўғрисидаги низомда қонундаги мазкур норманинг ижросига оид тартиб-қоидалар батафсил баён қилинган. Шунингдек, қонунга киритилган ўзгартишларга биноан, кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камида уч кун олдин хабардор қилиши керак.

Сиёсий партиялар аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органлари, судлар мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи таркибига кирувчи шахслар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларига референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатлари ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади. Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг ҳатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда фақат судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Марказий сайлов комиссиясининг жорий йилда бўлиб ўтадиган референдум жараёнларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни референдумга доир қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан, халқаро стандартлар ҳамда амалиётдан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, шу жумладан, референдумга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилди.

## Доимий эътибор

Мамлакатимизда барча фуқароларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ва референдумда овоз бериш ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва самарали механизмлари умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида мустаҳкамланган. Марказий сайлов комиссияси сайловлар ва референдумларга тайёргарлик жараёнида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг алоҳида эҳтиёжларига доимий эътибор қаратиб келади. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси брайль алифбосида чоп этилди.

Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи фуқаролар референдум бюллетенида ўз хоҳиш-иродасини мустақил ифода эта олиши учун ҳар бир референдум участкаси трафарет билан таъминланди. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларини телеканаллар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали сурдо таржимада бевосита кузатиб бориш имконияти яратилди.

Мамлакатимизда биноларни, айниқса, уларнинг кириш ва чиқиш жойларини барпо этиш бўйича халқаро стандартлар жорий этилган. Референдум округлари ва участкалари учун биноларни танлашда ана шундай андазалардан келиб чиқиб, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг алоҳида эҳтиёжлари инобатга олинган. Буларнинг барчаси ногиронлиги бўлган юртдошларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

## Қўллаб-қувватланаётган интилиш

Жамият ҳаётида демократик тамойилларни мустаҳкамлашда, айниқса, сайловлар ва референдумларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш ишлари изчил давом этмоқда. Шу кунгача хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг миссияларидан 80 дан ортиқ кузатувчи аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг референдумга бағишланган барча мажлислари ва бошқа тадбирлари оммавий ахборот воситалари вакилларининг бевосита ҳозирлигида, очиқ-ошкора ўтаётганини ҳамда кенг ёритилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳозиргача маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 651 вакили аккредитациядан ўтказилди. Улар орасида “Reuters” (Буюк Британия), “Цзинцзи Жибао”, “Синьхуа”, CGTN (Хитой), TRT (Туркия), “France-Presse” (Франция), “The Daily Ittehad” (Покистон), “Казинформ”, “Хабар”, “Atameken Business Media Holding”, “Курсив” (Қозоғистон), “Кабар” (Қирғизистон), “Жумҳурият” (Тожикистон) каби нуфузли ахборот агентликлари ва нашрлар бор.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилаётган мажлислар, семинарлар, брифинглар ва бошқа тадбирлар ҳақида ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали олдиндан эълон қилиб борилиши яхши самара бермоқда. Эълонда бўлажак тадбирнинг қачон ва қаерда ўтказилиши ҳамда унда қандай масалалар кўриб чиқилиши аниқ айтилиши журналистлар ишида жуда қўл келмоқда.

Комиссиямизнинг референдумга бағишланган барча мажлислари тафсилотлари қатор телерадиоканаллар, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ҳамда YouTube платформаси орқали бевосита ва мунтазам ёритиб борилмоқда.

## Дахлдорлик туйғуси билан

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни қизғин паллага кирганини шундан ҳам билса бўладики, Марказий сайлов комиссия шу кунларда ҳафтасига икки-уч мартадан мажлис ўтказмоқда. Сабаби маълум, референдум кунигача муддат тобора оз — саноқли кунлар қолмоқда. Қолаверса, бу — “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуни ва календарь режада белгиланган вазифалар талаби. Ушбу ҳужжатларда тайёргарлик даврида амалга ошириладиган ишлар кунма-кун аниқ белгилаб қўйилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда овоз бериш бюллетенининг шакли ва тавсифи тасдиқланди. Бюллетенга “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 14 мартдаги қарорларида кўрсатилган масаланинг матни (“Конституцияни қабул қиласизми?”) киритилди ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари “Ҳа” ёки “Йўқ” деб кўрсатилди. Шунингдек, бюллетенда уни тўлдириш тартиби тўғрисида ҳам тушунтириш берилди.

Референдум куни овоз бериш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаронинг референдум участкасига бориб, Ватанимиз, халқимиз ва фарзандларимизнинг келажаги тақдирига дахлдорлик туйғуси билан шахсан овоз бериши — юксак фуқаролик бурчи.

Янги Ўзбекистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” эзгу ғояси негизида барпо этилмоқда. Ушбу улуғвор мақсад халқимизни янгидан-янги марралар сари руҳлантирмоқда. 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдум ана шундай буюк мақсадга эришишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

ТАҲЛИЛ



# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ:

# МАНФААТЛИ САВДО ВА БАРҚАРОР БОЗОРЛАРНИ ЯРАТИШ ИМКОНИЯТИ




**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз шу йил 14 апрель куни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва истиқболларига оид тақдимот билан танишиш чоғида ушбу фикрларни билдирар экан, унга аъзо бўлиш шартлигини таъкидлади. Бинобарин, бу борадаги вазифалар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 91-мақсадида белгиланган, давлатимиз раҳбарининг ўтган йилги Мурожаатномасида бу жараённи жадаллаштириш кун тартибига қўйилган эди. Шу мақсадда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо элликка яқин мамлакат билан икки томонлама музокаралар олиб борилмоқда.

Маълумки, 1995 йил 1 январда асос солинган Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли халқаро тузилма ҳисобланади. Бугунги кунда дунёдаги энг йирик ушбу иқтисодий ташкилотга 164 мамлакат аъзо ва улар ҳиссасига глобал савдо ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 95 фоизи тўғри келади. Ўзбекистон товар айланмасининг 97 фоизи ушбу давлатларнинг биргаликдаги улушини ташкил этади.

Жаҳон банкининг уч йил олдинги маълумотига кўра, Европа Иттифоқи ялпи ички маҳсулотининг 91, Замбияда 70, Канадада 65, Жанубий Африкада 59, Ҳиндистонда 40, Индонезия ва Японияда 37, Хитойда 36, АҚШда 26 фоизи ташқи савдо билан боғлиқ бўлган. Халқаро савдо иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда қашшоқликни камайтиришда мисли кўрилмаган имкониятларни таклиф қилади. Бироқ ушбу салоҳиятнинг амалга оширилишини таъминлаш глобал савдони халқаро даражада бошқариш ва тартибга солишни тақозо этади. Агар бундай бошқарув ва мажбурий тамойиллар бўлмаса, халқаро глобаллашув ва савдо ҳозирги вазиятни яхшилаш ўрнига иқтисодий тенгсизлик, ижтимоий адолатсизлик, атроф-муҳит таназзули ва маданий бирхилликни кучайтириши мумкин.

## Барқарор тараққиёт таянчи

ЖСТ 1947 йилда тузилган халқаро битим — GATTнинг давомчиси ҳисобланади. Ташкилотга аъзо ва иштирокчи мамлакатлар учун мажбурий бўлган тамойил ва қоидалар белгиланган. Унинг асосий вазифаси глобал иқтисодиётни кузатиш орқали халқаро савдо изчиллиги ва шаффофлигини тартибга солиш, аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилашдан иборат. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мақсадига тўлиқ мос келади.

— Ташкилотда қарорлар қабул қилиш иштирокчи мамлакатлар ёрдамида консенсус — умумий овоз бериш орқали амалга оширилади, — дейди сиёсий фанлар доктори, профессор Бахтиёр Омонов. — Қарорлар қоидага кўра, икки йилда бир марта чақириладиган Вазирлар конференцияси томонидан қабул қилинади. Кундалик амалга оширилаётган ишларга масъул бўлган Бош кенгаш йиғилишларини ташкилотнинг маъмурий қароргоҳи жойлашган Женева шаҳрида бир йилда бир марта ўтказади. Унда ташкилотга аъзо мамлакатлар вакиллари, элчилар иштирок этади.

Бош кенгаш қошида низоларни ҳал этиш ҳамда савдо сиёсати таҳлиллари билан шуғулланадиган органлар бор (жами 650 ходим ишлайди). Шунингдек, унинг таркибида савдо ва ривожланиш, савдо баланси борасида чекловлар ўрнатиш, шунингдек бюджет, молия ва маъмурий масалалар билан шуғулланадиган учта қўмита фаолият юритади. Бош кенгашдан қуйи поғонада товарлар, хизматлар савдоси ва интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича кенгашлар фаолият юритади.

Ташкилотнинг яна бир устувор йўналиши шундаки, унга 3 тасниф асосида, яъни ривожланган, ривожланаётган ва энг кам ривожланган давлатлар мақомида қўшилиш мумкин. Ўзбекистон ривожланаётган давлат мақомида қўшилишга интиляпти. Бунда қатор имкониятларга эга бўлинади. Масалан, ўтиш даврига узоқроқ вақт берилади.

— Ўзбекистон ЖСТга қўшилиш учун 1994 йилда ариза берган ва ишчи гуруҳнинг учта учрашувида қатнашган, — дейди Божхона институти доценти Тўлқин Пардаев. — Аммо айрим сабабларга кўра, бу жараён тўхтаб қолган. 2017 йилда ЖСТга қўшилиш бўйича саъй-ҳаракатлар қайта бошланди. 2019 йил бошига келиб, ишчи гуруҳ фаолияти ҳукумат томонидан жонлантирилди. 2020 йилда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича қўшма ишчи гуруҳ йиғилишлари қайта тикланди. Хусусан, ўтган йил 21 июнь куни Женева шаҳрида бўлиб ўтган ишчи гуруҳнинг бешинчи йиғилишида аъзо давлатларнинг 60 дан ортиқ делегацияси, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий экспертлар иштирок этди. Сўзга чиққан барча 25 аъзо-давлат вакиллари, жумладан, АҚШ, Европа Иттифоқи, Буюк Британия, Россия, Туркия, Индонезия, Корея Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқалар бир овоздан Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

Жорий йилнинг март ойида Жаҳон савдо ташкилотида ишчи гуруҳнинг олтинчи йиғилиши ўтказилди. Унда республика савдо режимининг барча жиҳатларига тааллуқли 10 дан зиёд янги ҳужжат кўриб чиқилди.

Яқинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ЖСТ билан ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Амирбек Муҳамедов маълум қилишича, ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлиш узоқ вақт талаб қиладиган мураккаб жараён. Ҳар бир давлатнинг бу ташкилотга аъзо бўлиш жараёни ўртача 8-10, баъзи давлатлар учун эса 10-15 йилни ташкил этади. Масалан, ташкилотга кириш учун Қозоғистонга 13 йил, Россияга 19 йил керак бўлган. Чунки унга ҳамма аъзо давлатларнинг розилиги олинганидан кейин қўшилиш мумкин. 164 давлатнинг ҳаммаси билан музокара олиб бормасак-да, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳ таркибига 47 давлат кирган. Уларнинг барчаси товар ва хизматлар бозорига кириш бўйича Ўзбекистон билан музокаралар олиб бориш истагини билдирган.

Ҳақиқатан, кейинги пайтда бу борадаги ишлар жадаллик касб этиб боряпти. Хусусан, шу ой бошида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Грузия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши доирасида Грузия ва Ўзбекистон ўртасида товар ва хизматлар бозорига чиқиш бўйича икки томонлама музокараларни якунлаш тўғрисидаги баённома имзоланди.




> **МАЪЛУМКИ, 1995 ЙИЛ 1 ЯНВАРДА АСОС СОЛИНГАН ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ (ЖСТ) ДАВЛАТЛАРАРО КЎП ТОМОНЛАМА САВДО ТИЗИМИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИБ ТУРУВЧИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТУЗИЛМА ҲИСОБЛАНАДИ. БУГУНГИ КУНДА ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК УШБУ ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТГА 164 МАМЛАКАТ АЪЗО ВА УЛАР ҲИССАСИГА ГЛОБАЛ САВДО ВА ЖАҲОН ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИНИНГ 95 ФОИЗИ ТЎҒРИ КЕЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР АЙЛАНМАСИНИНГ 97 ФОИЗИ УШБУ ДАВЛАТЛАРНИНГ БИРГАЛИКДАГИ УЛУШИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.**

Худди шундай жараён Мўғулистон ва Туркия билан ҳам якуний босқичда турибди.

Ўзбекистоннинг ЖСТга киришини тезлаштириш бўйича фаолияти БМТнинг Тараққиёт дастури, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги




(USAID), Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIS) каби халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланяпти ва техник кўмак бериб келиняпти.

— "Ўзбекистоннинг ЖСТга киришига кўмаклашиш" бўйича ишлаб чиқилган беш йиллик лойиҳаси Европа Иттифоқи томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда, — дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Жасурбек Отаниёзов. — Мазкур лойиҳа 2020 йил февраль ойида бошланган бўлиб, унда мамлакатнинг ЖСТга қўшилиш жараёнида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича ривожланиш режаларини қўллаб-қувватлашга асосий эътибор берилган. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — ташкилот томонидан белгиланган қоидаларга мос келадиган савдо муҳитини яратиш орқали Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ҳамда халқаро савдо тизимига интеграциялашувини кучайтиришдан иборат.

2021 йилда Ўзбекистон GSP+ тизимига қўшилгани натижасида Европа бозорига тайёр маҳсулотлар экспорти 1,5 баробар ошганини бунинг амалий мисоли сифатида келтириш мумкин.

## Олдинда турган вазифалар

Президентимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва истиқболларига оид тақдимотда мазкур тузилма битимларидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни унга уйғунлаштириш, тартиб ва стандартларни халқаро талабларга мослаштириш бўйича топшириқлар берди. Бунинг учун хорижий консультантларни жалб қилиб, барча вазирлик ва элчихоналар билан тизимли ишлаш зарурлиги таъкидланди.

— Ўзбекистон учун ЖСТга қўшилиш мутлақ устувор вазифа ҳисобланади, — дейди Инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг ўринбосари Бадриддин Обидов. — Бу жараёнга мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамияти ва кўп томонлама савдо тизимига янада интеграциялашувига қаратилган ислоҳотларнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши доирасида мазкур ташкилот билан ишлаш тизими яратилиб, ЖСТ билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия шакллантирилди. Инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари бошчилигида музокаралар гуруҳи ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат 10 та йўналиш бўйича ишчи гуруҳ таркиблари ташкил этилган.

— Миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига мувофиқлаштириш жараёни узлуксиз ва тизимли ишлашни талаб этади, — дейди адлия вазири ўринбосари Алишер Каримов. — Адлия ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан 2023 йилга мўлжалланган миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш бўйича ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режа ЖСТнинг асосий 15 та битими кесимида тузилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Адлия вазирлиги ходимларидан иборат ихтисослашган кичик ишчи гуруҳлар ҳам ташкил этилган. Уларнинг мақсади ЖСТ битимларини чуқур ўрганиб, шу соҳадаги миллий қонунчиликни хатловдан ўтказиш, қайси қонунларга қандай ўзгартиришлар киритишни таҳлил қилиш асосида таклифлар тайёрлашга қаратилган. Кейинчалик бу таклифлар барча йўналишлар бўйича умумлаштирилиб, вазирлик ҳузуридаги ишчи гуруҳда муҳокамадан ўтгач, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ҳозирда ишчи гуруҳ томонидан ЖСТнинг 8 та битими қоидаларига номувофиқ бўлган 25 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари аниқланди. Улар товар ва хизматлар учун давлат харидлари, экспортни қўллаб-қувватлаш ва солиқ солиш каби соҳаларда миллий режим жорий қилиш, стандартлаштириш юзасидан янги ҳужжатлар қабул қилиш, божхона қийматини аниқлаш механизмини такомиллаштириш, интеллектуал мулк йўналишини мувофиқлаштириш ва бошқа масалаларни қамраб олган. Мисол учун, ЖСТнинг асосий талабларидан бири муайян мамлакат ўз савдо шериклари ҳамда маҳаллий ва хорижий товарлар, хизматлар ҳамда шахслар (тадбиркорлар) ўртасида дискриминацияга йўл қўймаслиги, резидентларга берилган ҳуқуқий режимни норезидентларга ҳам тақдим этиши кераклиги билан боғлиқ. Яъни ЖСТ доирасида соф рақобатга зид бўлмаслиги учун миллий қонунчилигимизда дискриминация ҳолатларини бартараф қилиш масаласи берилаётган таклифлар орасида алоҳида ўрин тутади. Жорий йилда табиий равишда ЖСТ котибиятига тақдим этилган режада кўрсатилган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишни охирига етказиш ҳамда миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига мувофиқлаштириш бўйича таклифларни доимий равишда тайёрлаб, вазирлик-идоралар билан бирга тегишли ўзгартиришларни қонунчиликда акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳон савдо ташкилотига кириш ва янада қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича масалаларни ҳал қилишда ҳам бошқа соҳалардаги каби ишлар давом этяпти. Божхона-тариф, фискал тартибга солиш ва экспорт-импорт жараёни механизмларини такомиллаштириш, уларни соддалаштириш шулар жумласига киради. Масалан, тарифга оид ён беришлар бўйича музокаралар давомида ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг ҳар бир позицияси (уларнинг сони 11 минг 250 та атрофида) бўйича "боғланадиган" жиҳатлар мувофиқлаштирилиши лозим. Мослашув даврида Ўзбекистон тарифларни улардан юқори кўтармаслик мажбуриятини ўз зиммасига оладиган божхона божларининг энг юқори чегараси ҳам аниқлаб олинади.

## Ташкилотга аъзолик Ўзбекистонга қандай манфаат келтиради?

Мутахассислар фикрича, ЖСТга аъзолик Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётга кучли туртки беради. Аввало, янги сармоялар асосида қўшимча иш ўринлари яратилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулот сифатини ошириб, дунё бозоридаги кучли рақобатга кўникади. Ўз навбатида, истеъмолчиларнинг арзон ва сифатли товарлар ҳамда хизматларни танлаш имконияти юзага келади.

Мамлакат жаҳон миқёсидаги савдо сиёсати бўйича муҳим қарорларни қабул қилишда иштирок этади, яъни ташкилот йиғилишида қатнашадиган ҳар бир давлат ўз овозига эга бўлади. Божхона маъмуриятчилиги ва қонунчилик бўйича институционал ислоҳотларни амалга ошириш, тизимдаги коррупция даражасини камайтиришга кўмак беради, дунё миқёсидаги илмий-техник ривожланиш жараёнига интеграциялашувни тезлаштиради.

Жанубий Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти бош илмий ходими Со Жин Кёнинг қайд этишича, Ўзбекистон ЖСТга аъзо мамлакатлар сафига қўшилса, ушбу давлатлар билан маҳсулот айирбошлашда катта ютуқларга эришади. Бунда аъзо давлатларга солиқ, божхона имтиёзлари тақдим этилади. Масалан, ҳозирги кунда ушбу ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Ўзбекистон товарларига исталган ҳажмда тарифлар киритиши мумкин, бироқ Ўзбекистон ташкилотга аъзо бўлгач, уларнинг бундай чораларни амалга оширишига чек қўйилади. Яъни Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиши билан унда ташкилот аъзоларига божхона тўловларини камроқ тўлаш ёки умуман тўламаслик имконияти пайдо бўлади.

— Бундан ташқари, ташкилотнинг барча аъзо мамлакатлари бозорларига кириш учун тенг ҳуқуқли шароит вужудга келади, — дейди Божхона институти доценти Тўлқин Пардаев. — Мамлакатимизда рақобат муҳити яхшиланади ва монополиянинг олдини олишга эришилади, инфляция даражаси камаяди. Ташқи савдога келганда, экспортёрларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинади, қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ, миллий талабларнинг ишлаб чиқилиши экспорт билан шуғулланувчиларга чет эл бозори тамойилларига мослашишда ёрдам беради.

Аксарият манбаларда Жаҳон савдо ташкилотининг юқоридаги афзаллик томонлари билан бирга, унинг бир нечта камчиликлари ҳам бор, деган фикрлар мавжуд. Ташкилот фаолияти бўйича халқаро эксперт Йован Йекич ушбу танқидий фикрларнинг айримлари тўғри эмаслигига эътибор қаратади. Мисол учун, кенг тарқалган фикрлардан бири — бу ташкилотга аъзо бўлгандан кейин импорт тарифлари (бож)нинг автоматик равишда пасайиши билан боғлиқ. Экспертнинг фикрича, аслида ундай эмас. Чунки бундай пасайиш ҳамма товарлар учун татбиқ этилмайди. Агар ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятидан ўрин олган товарлар рўйхатида 11 минг 295 номдаги маҳсулот мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида музокаралар олиб борилади. Мақсад — таъсирчан товарни аниқлаш. Яъни, шундай товарлар борки, уларнинг бож ставкалари муайян давлат иқтисодиётига ҳеч қандай салбий таъсир қилмайди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун субсидия тақиқланмаган, аммо аъзоликка қабул қилиш жараёнида келишилган миқдордан ошмаслиги лозим.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида ЖСТга аъзо бўлишнинг миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганишга ҳам алоҳида урғу берилган. Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти экспертлари томонидан шундай тадқиқот амалга оширилиб, асосий макроиқтисодий мувозанатга кўрсатадиган таъсирларга баҳолар берилди.

Унга кўра, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларни янада яхшилаш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, ташқи рақобатбардошликни кучайтириш, шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтиш жараёнини тезлаштириш учун замин ҳозирлайди. Аммо тарифларнинг пасайтирилиши маҳаллий ишлаб чиқаришнинг заиф тармоқларига салбий таъсир қилиши мумкинлиги ҳам қайд этилади.

Тадқиқотда Ўзбекистондаги тарифлар даражасини ЖСТга аъзо давлат бўлган Қозоғистон даражасига, яъни ўртача даражани амалдаги 7,4 фоиздан 5,7 фоизга тушириш назарда тутилган. Бу борадаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, энг аввало, тарифлар ва ички нархларнинг пасайиши туфайли экспорт жозибадорлиги ошади ва экспорт ҳажми 0,06 фоизга кўпаяди ва ички товарлар таклифи 0,03 фоизга камайиши мумкин.

Айни пайтда ички бозорда нархларнинг пасайиши натижасида истеъмол ҳажми 0,11 фоизга ортади. Давлат бюджети даромадларининг қисқариши ҳисобига, жами жамғармалар 0,35 фоизга камаяди. Жамғармалар ҳажмининг камайиши инвестициялар даражаси 0,16 фоиз тушишига олиб келиш эҳтимоли бор.

Тадқиқотда моделнинг дастлабки натижаларидан келиб чиқиб айтиладики, биринчи босқичда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши ва бунинг натижасида тарифларнинг пасайтирилиши маҳаллий маҳсулотларга бўлган талабнинг маълум даражада пасайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий компаниялар фаолияти самарадорлигини ошириш заруратини келтириб чиқаради. Акс ҳолда, хорижий компаниялар билан нарх рақобатига дош бера олмайдиган самарасиз корхоналар бозордан чиқиб кетишига тўғри келади.

Янги шароитга муаммосиз ўтишни таъминлаш ва Ўзбекистонда миллий корхоналарни ташқи рақобат шароитига босқичма-босқич тайёрлаш учун янги муҳитни яратиш тавсия этилади. Хорижий компанияларнинг Ўзбекистон бозорига кириши билан тарифларнинг босқичма-босқич пасайтирилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш, технологик ва кадрлар базасини такомиллаштириш орқали сифатни ошириш, корхоналарнинг нарх сиёсатини қайта кўриб чиқиши ҳамда истеъмолчиларнинг диди ва эҳтиёжини тизимли равишда ўрганиш учун туртки беради.



НУҚТАИ НАЗАР

# АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР

## Янги Ўзбекистон бунёдкорлари



**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори**

Бошланиши 1-бетда

Кенг кўламли ислоҳотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда. Айниқса, ёш авлодни тарбиялаш, ўқитиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш борасида миллий моделнинг ишга туширилиши натижасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Зотан, бугунги глобаллашув палласида ёшларга эътибор қаратиш, уларнинг сифатли билим олишини таъминлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада ким кучли ва илғор бўлса, марра — уники.

Ҳисоб-китобларга кўра, охирги олти йилда юртимизда ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етган. Хусусан, 2016 йилда бакалавриат таълим йўналишига қабул квотаси 58 мингдан зиёдроқ бўлган. 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 190 мингдан ошган. Шунингдек, 2016 йилда магистратурада ўқиш учун 5 минг ўрин олаётган 428 нафар қизнинг тўлов шартнома пули қонунда белгиланган тартибда тўлиқ тўлаб берилди. Бу имкониятлар давлатимиз раҳбарининг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, уларнинг истак ва интилишларига қараб замон билан ҳамнафас қонун ва қарорларни имзолаётгани фарзандларимизнинг юрагидаги фахр ва масъулият ҳиссини оширади.

Айни кунларда умумхалқ референдумига ўзига хос тайёргарлик кўрилмоқда. Юртдошларимиз, хусусан, ёшлар орасида янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Жумладан, талабаларимиз ҳам жараённи мамнуният билан кузатиб, референдумга, янги таҳрирдаги Конституциямизга бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда. Чунки ундаги нормаларнинг ҳаётга жорий этилиши бўлғуси педагогларнинг касбий ривожланиши, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида катта аҳамиятга эга. Янги таҳрирдаги Конституциямизда “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”, деб ёзилган.

Президентимизнинг 2022 йил 21 июндаги “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори университет талабалари учун ҳам, профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимлари учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очгувчи калит вазифасини ўтамоқда. Университет фаолиятини такомиллаштириш бўйича белгиланган Германия, Россиядаги нуфузли олий таълим муассасалари мутахассислари эксперт ҳамда муаллиф сифатида жалб этилди. Тегишли ҳужжатлар миллий талабларга мувофиқлаштирилди. Иш берувчиларнинг таклиф ва тавсиялари асосида ўқув режаларига “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти”, “Инклюзив таълим. Госпитал педагогика” ҳамда “Узлуксиз таълимдаги тенденциялар ва замонавий ёндашувлар” каби янги фанлар киритилди. Таълим жараёнига халқаро мутахассислар, Президент таълим муассасалари агентлиги ходимлари, шунингдек, юртимизнинг етакчи илмий марказларидан етакчи экспертлар жалб қилинди.

Университетнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4 босқичдаги 9 мингга яқин талабаси Президент, ижод ва ихтисослаштирилган, умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига малакавий амалиёт ўташ учун юборилди. Ёшларнинг ўқув муассасаларидаги амалиёти “4+2” тартибида ташкил этилиб, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Муҳими, 2022/2023 ўқув йилидан эътиборан ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича битирувчиларга асосий ва қўшимча ихтисослик бериш тартиби жорий этилди.

Талабаларнинг сифатли таълим олиши ва юртимиз бўйлаб барча таълим даргоҳларида такомиллаштирилган ўқитиш тизимини яратиш учун айни пайтда университетимизда 30 та таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Битирувчиларнинг хорижий тилни билиш бўйича сертификатга эга бўлиш даражасини ошириш, манзилли дастур ишлаб чиқиш орқали салоҳиятни 50 фоиздан 2025 йилга қадар камида 70 фоизга етказиш, таълимга “Олий таълим жараёнларини бошқариш” ахборот



мавжуд эди. Ўтган йилга келиб қарийб 17 мингга етган. Бу рақамлар юртимизда ёшлар таълимига қаратилаётган эътибор ҳақидаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг ОТМларда таҳсил олаётган хотин-қизлар учун алоҳида имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарори ниҳоятда салмоқли ташаббус бўлди. Шу мақсадда Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Унинг доирасида пойтахтимизда, асосан, хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тўқимачилик соҳаси бўйича алоҳида университет ташкил этилиши кўзда тутилди. Шунингдек, пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда университетнинг техникумлари ҳам очилиши қайд этилди. Таълим олиш учун тўлов шартнома суммасини тўлаши учун қизларга илк маротаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Магистратурада ўқиётган қизларнинг тўлов шартнома пули тўлиқ бюджетдан, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизлар таълим контракти суммасининг маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланиши йўлга қўйилди. Жумладан, университетимизнинг магистратура босқичида таҳсил топшириқлар доирасида педагогик таълим ва амалиёт бўлими ташкил этилгани назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаб, қатор долзарб масалалар ечимини топишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда ОТМ тузилмасида 12 факультет ҳамда 52 кафедра, шунингдек, факультет мақомидаги магистратура, сиртқи ва кечки бўлимлар фаолият юритади. Кундузги, кечки, сиртқи таълим шакллари бўйича 30 та бакалавриат таълим йўналиши ва 29 та магистратура мутахассислиги, олий таълимдан кейинги 13 та ихтисослик ҳамда 3 та қўшма дастур асосида педагоглар тайёрланмоқда. Шунингдек, университет ҳузурида Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Психология ўқув-илмий маркази, Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази, Малакани баҳолаш маркази, академик лицей, Хўжайли ҳамда Наманган хизмат кўрсатиш ва сервис техникумлари фаолият юритмоқда.

Бугун университетда 25 мингдан ортиқ талабага мингдан зиёд ўқитувчи таълим бермоқда. Сўнгги 1,5 йилда олийгоҳ профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти 50 фоизга етказилди. Ўқув режалари ва фан дастурларини тайёрлашда чет эл, жумладан, Туркия, Жанубий Корея, тизимини босқичма-босқич жорий қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, педагогика соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этиш, илғор хорижий педагогик технологияларни жорий қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни ихтисослаштирилган мактабларда олиб бориш ва иқтидорли ўқувчи-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш жараёнини 2023/2024 ўқув йилига қадар босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган.

Юқорида қайд этилган видеоселекторда ушбу топшириқ бўйича масъулларнинг ҳар бирига 50 нафардан талаба бириктирилиши белгиланди. Бундан кўзланган мақсад ёшлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, уларни фарзандидек қабул қилиб, келажагига қайғурадиган муҳитда таълим жараёнини ташкил этиш, йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига кўмаклашишдан иборат. Келгусида китобхонлик, санъат, театр тўгараклари ташкил этиб, санъат арбоблари, шоир, ёзувчилар билан шеърият ва маҳорат дарсларини йўлга қўйиш, талабаларимизнинг 50 фоизини футбол, волейбол, стол тенниси, миллий кураш, шахмат, шашка тўгаракларига жалб этиш, турли мусобақалар ўтказиш орқали уларни рағбатлантириб боришни мақсад қилганмиз.

САЛОМАТЛИК

# КАРДИОЛОГИЯ СОҲАСИДА ЕТАКЧИЛИК

## тиббиёт туризмини ривожлантиришга йўл очади

**Аҳоли орасида юрак-қон томир касалликларига чалиниш ҳолати йил сайин кўпайиб бораётгани тиббиёт ходимлари олдига жиддий вазифаларни қўймоқда. Соҳа мутахассисларини тинимсиз изланиш, инновацион ва юқори технологик муолажа усулларини амалиётга кенг татбиқ этишга ундаяпти.**



**Солижон МЎМИНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали директори**

Президентимизнинг ўтган йил 26 январдаги “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга доир муҳим чора-тадбирлар белгилангани фикримизни тасдиқлайди. Бу борада филиалимиз жамоаси ҳам бор куч ва имкониятидан фойдаланиб, муайян натижаларга эришмоқда.

Муассасамиздаги поликлиникада 170 кишининг стационар ва бир кунда 100 кишининг қатнаб даволаниши учун шароит мавжуд. Кардиохирургия, рентген эндоваскуляр хирургия, юрак аритмияси, артериал гипертония, юрак ишемик касалликлари, кардиоцеребрал патология ва реабилитация, анестезиология ва реанимация, функционал диагностика, стерилизация бўлимлари фаолият кўрсатяпти. Жарроҳлик амалиёти заллари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Моддий-техник базамиз йил сайин мустаҳкамланмоқда. Ҳозир электрокардиограф, велоэргометр, ультратовуш аппарати, эхокардиограф, кардиовизор, холтер ЭКГ, МСКТ, ФГДЭС, ангиограф ва бошқа замонавий тиббий аппаратлар беморларга аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш имконини бермоқда.

Халқимизда касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал, деган нақл бор. Бу, айниқса, юрак-қон томир касалликлари учун алоҳида аҳамиятли. Шу боис, касалликларни эрта аниқлаш мақсадида ўтган йили вилоятдаги 907 минг 998 нафар 40 ёшдан ошган аҳолининг 849 минг 900 нафари манзилли скрининг текширувидан ўтказилди. Бунинг натижасида 30 минг 829 нафар фуқарода юрак-қон томир касалликлари аниқланди ва уларни соғломлаштириш чоралари кўрилди.

Шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида 14 та “Саломатлик мактаби” ташкил этилди. Уларда юрак-қон томир касаллиги билан оғриган беморлар учун “Кардиореабилитология” ўқув курслари ташкил этилиб, реабилитация қилиш бўйича ҳар бир бемор билан индивидуал машғулот ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий шифокорлик пунктлари ва оила поликлиникаларида 177 та шифокоролди кўриги хонаси ташкил этилиб, барча керакли жиҳозлар ва юрак-қон томир касалликлари профилактикаси бўйича 35 турдаги тарқатма материаллар билан таъминланди.

Вилоятдаги 14 та кўп тармоқли марказий поликлиникада ҳам кардиологлар хонаси фаолияти йўлга қўйилди. Улар жами 1 миллиард 414 миллион сўмлик маблағ эвазига холтер ЭКГ, дефибриллятор билан жиҳозланди. Айни пайтда ушбу аппаратлар ёрдамида қўшимча 15 турдаги диагностика ва даволаш ишлари ўтказилмоқда. Лаборатория бўлимлари учун эса 256 миллион 200 минг сўмлик текширув аппаратлари харид қилинди.

Айни пайтда бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаси шароитида антропометрия (одам организми аъзолари ўлчамлари, ранги каби белгилари ўзгариб туришини тавсифлаш), қон босимини ўлчаш, ЭКГ, умумий холестерин миқдорини аниқлаш каби текширувлар амалга оширилади. Аҳолининг тана вазни индексини аниқлаш мақсадида “мобиль илова” ишлаб чиқилди ва амалиётда кенг қўлланяпти. Албатта, тиббиётда билим, тажриба ва малака жуда муҳим. Аммо яширишнинг ҳожати йўқ — чекка ҳудудларда малакали кардиологлар етишмайди. Шу боис, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 42 нафар оилавий шифокори рўйхати шакллантирилди. Шу кунгача уларнинг 13 нафари Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида “ЭКГ Холтер бўйича мониторлаш асослари”, “Бўйин соҳаси магистрал томирлари допплер текшируви асослари” ҳамда “Эхокардиография асослари” бўйича ўқитилди. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 18 нафар малакали ҳамшираси эса миллий қадриятларимиз ва географик иқлим шароитидан келиб чиқиб, миллий кардиологик реабилитация тавсиялари бўйича ўқитилди ҳамда тренер сифатида тайёрланди. Улар ҳар ҳафта туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва оила поликлиникалари ҳамшираларини ўқитмоқда.

Сифатли тиббий хизмат кўрсатишда, табиийки, мутахассислар билими, малакаси ва тажрибаси катта аҳамиятга эга. Шу маънода, муассасамизда 1 нафар тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, 4 нафар тиббиёт фанлари номзодининг ишлаётгани, ўнлаб шифокорларнинг хорижда таълим олиб, малака оширгани ва улар сафи тобора кенгаяётгани жамоа салоҳиятини кўрсатади.

Филиалимиз шифокорлари халқаро тиббий билим ва андазаларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қиляпти. Жумладан, ўтган йили тўрт нафар ходимимиз маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Беларус Республикасининг Кардиохирургия марказида юракда ўтказиладиган юқори технологияли мураккаб жарроҳлик амалиётини ўрганиб келди ва ҳозир бундай операцияларни ўзлари амалга оширяпти. Шунингдек, яна тўққиз нафар мутахассисимиз Франция, Туркия, Россия ва Қозоғистонда тажриба алмашиб қайтди. Ўн нафар кардиологимиз Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида, тўрт нафари эса В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида малака оширди. Жорий йилда ҳам кардиолог, кардиохирург ва интервенцион кардиолог каби мутахассисларимиз Беларус, Молдова, Туркия, Россиядаги нуфузли клиникаларда тажриба алмашади.

Филиалда чет эл, хусусан, Россия, Қозоғистон, Польша, Грузия, Арманистондаги клиникалар билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натижада амалиётлар тури 21 тадан 86 тага етди. 2020 йилда 4 нафар чет эллик беморда юқори технологияли жарроҳлик амалиёти бажарилган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 65 тага етди. Юқори технологияли жарроҳлик амалиётига муҳтож 2685 бемор даволанди. 2300 хастада каминвазив операция ўтказилди. Яна 385 нафар беморда эса очиқ турдаги юқори технологияли жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Ўтган йили миокард инфаркти билан мурожаат қилган 72 нафар беморга Давлат тиббий суғурта жамғармаси орқали бепул стент қўйилиб, юқори технологияли операциялар ўтказилди. Жамғарма билан 2022 йил учун 1,2 миллиард сўмлик шартнома имзоланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 93 нафар беморда юқори технологияли жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Бугунга келиб кардиология ва кардиохирургия, интервенцион кардиология соҳасини такомиллаштириш учун хорижий давлатларнинг қатор тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, Россия Федерациясидаги Е.Мешалкин номидаги Кардиология ва кардиохирургия маркази, А.Бакулев номидаги Кардиохирургия илмий-амалий маркази, Қозоғистон Республикаси Миллий кардиология маркази билан ҳамкорлик юқори самара бермоқда. Биргаликда ўтказилган мураккаб ва юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари натижасида кўплаб беморларимиз дарддан фориғ бўлмоқда.

Муассасамиз Наманган вилоятининг мамлакатимизда кардиология соҳасида етакчи ўринга чиқишида алоҳида ўрин тутади. Жорий йилда олдимизга янада муҳим вазифалар қўйганмиз. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиалини модернизация қилиш лойиҳасини бажариш мақсадида Австриянинг “AME International” компанияси билан



ҳамкорликда марказни жиҳозлаш ана шундай улкан режалардан бири. Умумий қиймати 8,89 миллион евролик лойиҳанинг рўёбга чиқиши юрак-қон томир тизимининг турли паталогияларида содир бўладиган ўлим ва ногиронликни камайтириш, олдини олиш ҳамда шошилинч кардиожарроҳлик амалиётини сифат жиҳатидан яхшилаш имконини беради.

Лойиҳада назарда тутилган тиббий жиҳозларнинг келтирилиши натижасида CRT-D кардиовертер-дефибриллятор имплантация, ишлаб турган юракда аорта коронар шунтлаш, гибрид операциялар ўтказиш, вазни 30 килограммдан енгил бўлган беморлардаги юрак туғма нуқсонларини бартараф этиш, аортал клапанни интервенцион усулда ўрнатиш онкологик хасталикка чалинган беморларда кимётерапевтик препаратларни селектив шикастланган жойга юбориш, жигар циррозида эндоваскуляр усулда порта-кавал анастамоз ўрнатиш, ишемик инсульт ўтказган беморларда бош мия томирларини стентлаш амалиёти, бош мия қон томирлари аневризмасида эмболизация амалиётини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиалида нафақат вилоят, балки Фарғона водийсидаги 10 миллионга яқин аҳоли, қўшни республикалар фуқароларига ҳам тиббий хизмат кўрсатилади. Техник имкониятларнинг кучайтирилиши тиббий туризм ривожига ҳам кенг йўл очади. Мақсадимиз аҳоли ўртасида кардиологик касалликларни барвақт аниқлаш, асоратларини сезиларли равишда камайтириш, аҳолининг юрак-қон томир касалликлари профилактикаси бўйича тиббий саводхонлигини оширишга эришишдан иборат.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

**“Ота-она меҳридан маҳрум ва ногиронлиги бор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялаш барчамиздан жиддий эътибор ва амалий ҳаракатларни талаб қилади. Бирорта бола “мен етим ёки ногиронман” деб ўксинмаслиги, давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳридан четда қолмаслиги керак. Уларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, барча шароитларни яратиб бериш нафақат вазифа, балки муқаддас бурчдир. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, ишимизда албатта натижа бўлади. Фарзандларимизга қилган ҳар бир яхшилигимиз ўн яхшилик бўлиб қайтади”.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# МЕҲРЛИ СИЁСАТНИНГ АДОЛАТЛИ ҲАҚИҚАТИ



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Тошкент вилоятида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Янгийўл шаҳридан янги уй-жойлар топширилгани ҳақидаги хабарни эшитдигу, ижодий жамоамиз билан шу бахтли манзил сари йўл олдик.

Мутасаддиларнинг айтишича, ўтган йил ноябрь ойида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 18 нафари ўз уйига эга бўлган, жорий йил март ойида эса Янгибоғ маҳалласида қад ростлаган кўп қаватли уйларнинг яна 8 хонадони тарбияланувчиларга топширилган.

Биз уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

## Ўн йилдан зиёд ижарада яшадим

**Гуля ЖЎРАБОЕВА (32 ёш):**



— Отам ҳаёт пайтида дунёдаги энг бахтли қизалоқ эдим. Олти ёшимда отам вафот этди. Орадан икки йил ўтиб, онам бошқа турмуш қурди. Ўгай отам мени ёқтирмас, ишимдан камчилик топиб, кўп калтакларди. Бу ҳам етмагандек, энг оғир ишларни бажаришга, кичкина жуссам кўтара олмайдиган юкларни кўтаришга мажбур қиларди. Юзим шишиб, кўзим кўкариб, кўчага чиқа олмай юрган кунларим кўп бўлган. Қочиб, яшириниб, ўгай отамнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилардим. Мабодо аралашиб, ёнимни олгудек бўлса, онамни ҳам аямай уриб-тепарди. Хуллас, у мен учун дунёдаги энг ёмон одам эди.

Шундай кунларнинг бирида, онамнинг ҳам жонидан ўтган шекилли, ҳатто мени ҳам ташлаб, хайрлашмай чет элга кетиб қолди. Ёшгина қизимни кимнинг қўлига ташлаб кетяпман, деб ўйламабди. Шу бўйи онамни ҳеч қачон кўрмадим. Бирор марта излаб келмади, ўзидан дарак ҳам бермади.

Бўкадаги Меҳрибонлик уйига келганимда 11 ёшда эдим. 2007 йилгача, 16 ёшга тўлгунимча шу ерда яшадим. Кейин тарбиячиларимиз кўмаги билан Олмалиқ шаҳридаги ётоқхонаси бор коллежга жойлашдим. Уч йил зувиллаб ўтиб кетди, яна борарга жойим қолмади.

2010 йили коллежни тугатиб, туғилган жойим — Янгийўл шаҳрига келдим. Лекин на тайинли иш ва на бошпана топилди. Ноилож, таҳсил олган коллежимга яна қайтиб бордим. Директорнинг раҳми келдими, ҳар қалай ишга олди. Аммо жамоадаги муҳит сабаб ишдан бўшашимга тўғри келди.

2012 йилнинг қаҳратон қишида Меҳрибонлик уйида бирга вояга етган дугонам билан Тошкентга иш излаб бордик. Катта шаҳарда яшашимиз осон кечмади. Шундай вақтлар бўлдики, кўчадаги ўриндиқларда тунаб қолишга мажбур бўлганмиз. Яшаш, бир бурда нон топиш илинжида нима иш бўлса қилиб кетавердик, тинмадик.

Ўша вақтда 20 ёш эдим. Катта шаҳардаги турли идоралар раҳбарлари қабулхоналарига сарғайиб, ялиниб, йиғлаб бораверганман. Уй беринг, иш беринг, деб бормаган жойим, тақиллатмаган эшигим қолмаган. Бироқ мени эшитадиган, жони ачийдиган бир мард раҳбар топилмади. Мурожаатларим, аризаларим, бари беҳуда, бесамар ва беиз кетди.

Мурожаатларимга деярли бир хил — “кўрамиз, ўрганамиз”, деган мазмунда жавоб бўларди. Чорасизлик, имконсизлик одамни ҳар кўйга солар экан. Ахийри, 2014 йилда Президентга хат ёздим. Бир неча ойдан сўнг мени Янгийўл шаҳри ҳокимлиги ходимлари излаб келиб, нималарнидир тушунтиргандек бўлди. Катта идораларга хат ёзиб юришим одоб доирасига кирмаслигини ҳам обдон уқтиришди.

Ишончим сўлгач, ҳеч кимга мурожаат қилмай қўйдим. 2016 йилда ҳаётим яхши бўлиб кетар, деган умидда турмушга чиқдим. Худо бизга ўғил ва қиз фарзанд берди.

Турмуш ўртоғимнинг оилавий шароити ҳам оғир эди. Рўзғордаги етишмовчиликлар жанжалга сабаб бўларди. Ижара пулини вақтида тўлай олмаганимиз учун уй эгаси бизни кўчага чиқариб юборди. Ёш болаларимга ачинмади ҳам. Бу вақтда турмуш ўртоғимнинг иши юришмайроқ турганди. Шунинг учун иложсизликдан болаларим билан кўп қаватли уйнинг ертўласида яшашга мажбур бўлдик.

Хуллас, Меҳрибонлик уйидан чиқиб кетганимдан сўнг ҳаётимнинг 17 йилини бошпанасиз, муқим ишсиз, сарсон-саргардонликда ўтказдим.

Мени таниганлар Президент Шавкат Мирзиёев оддий халққа қайишяпти, кўп йиллик муаммоларига ечим топиб беряпти, ишсизлар ишли, уйсизлар уйли бўляпти, сенга ҳам уй беради, раҳбарларнинг олдига бор, ёрдам сўра, дейишди. Бироқ мендаги ишонч ва умид, ҳаётим яхши бўлади, деган илинж тугаб бўлганди. Ҳеч нарсага ва ҳеч кимга ишонмай қўйгандим.

Бир куни хўрлигим келиб, ертўлада яшаётган жойимизни суратга олдим-да, интернетга жойлаштирдим. “Президентимиз Меҳрибонлик уйидан чиққан болалар қандай аҳволда яшаётганини кўрсин”, деб ёзиб қўйдим...

...Ва ниҳоят, 17 йилдан сўнг мен бир ҳақиқатга — бошимизда меҳрибон отамиз борлигига ишондим. Давлатимиз раҳбари етим болаларга бефарқ эмаслигига ва ўз уйим бўлишига ишондим. Негаки, мурожаатимдан бир ҳафта ўтиб-ўтмай янги қурилган бир хонали уйнинг калитини қўлимга тутқазишди.

Йиғладим, энди ўз уйим бор, биз етимларни ўйлайдиган, суяйдиган, эшитадиган давлатимиз раҳбари ҳам бор, деб йиғладим. Янги уйга ҳали одамлар тўлиқ кўчиб келмаган, қурувчиларнинг қиладиган ишлари ҳам бор, лекин уйни кўриб, мутасаддиларга илтимос қилдим, янги уйга кўчиб ўтишимизга рухсат олдим. Бу ерда Меҳрибонлик уйидан чиқиб, мен каби қийналиб, ижарада яшаётган йигит-қизлар қўшни бўлиб, борига шукр қилиб, ёнма-ён яшаяпмиз. Тўғри, ҳозирча иссиқ сув тармоғи тўлиқ ўрнатилмаган, лекин ўз уйингнинг ҳарорати олдида бу ҳеч нарса эмас. Янги лифтимиз ҳам ишга тушмади, аммо тўрт мучамиз соғ, оёқларимиз бардам-ку. Муҳими, ош-овқатимизга газ, егуликларни қўйишга музлаткичимиз, кўришга телевизоримиз, ётишга қулай диванимиз, муҳими, ўз уйимиз, ўлан тўшагимиз бор. Ҳаётимда биринчи бор оилам даврасида чинакам бахтни ҳис қилиб яшаяпман. Бунинг учун Президентимдан чексиз миннатдорман. Агар у бўлмаганида, ҳалиям ертўлаларда, ижараларда сарғайиб яшаб юраверардик...



## Меҳрибон, ғамхўр Президентим бор...

**Лола БАРАТОВА (20 ёш):**



— Чирчиқ шаҳридаги Меҳрибонлик уйи ҳисобидан чиқарилганимдан сўнг ўз уйим бўлишига ишонмаганман. Онам вафот этганида мен уч, опам, олти ёшда эдик. Бир йил ўтар-ўтмас отам бошқа аёлга уйланиб, биздан осонгина воз кечиб кетди. Холамнинг қўлида бўзлаб қолдик. Болалик сурурини унутдик. Муштдайгина бошимиз билан рўзғор юмушларига катта одамлардай шўнғидик. Кичкина қўлчаларимиз билан далада ўт терардик, мол боқардик, ҳовли тозалардик, идиш-товоқ ювиб, нима иш бўлса, қилиб кетаверардик. Лекин барибир қариндошларимизнинг катта ҳовлисига сиғмадик. Кунда-кунора бўладиган дилхираликлар, жеркишлар, оғир гаплар бола қалбимизни синдираверарди.

Ота-она ўрнини ҳеч ким боса олмас экан. “Жоним қизларим, болажонларим”, деб эркалашлар армонга айланганди. Меҳрибонлик уйига ўзимиз борганмиз. Бошида кўника олмадик, тунлари билан ухламай йиғлаб чиқардик. Лекин бошқа борадиган жойимиз ҳам, чорамиз ҳам йўқ эди.

Бир савол мени доимо қийнаб келади. Нега ота-оналар тирик бўла туриб фарзандларини етимхонага топширади, ҳолидан хабар олмайди? Нега туғилганмиз ўзи? Биз ҳам фарзандмиз-ку? Йиллар давомида отамдан сўрай олмаган саволларимни газетангиз орқали сўрасам майлими, гапларимни чиқарасизми?

**— Албатта, айтинг.**

Отажон! Сиз мен ва опамни бирор марта соғинганмисиз? Нима учун биздан воз кечдингиз? Нима айбимиз ва гуноҳимиз бор эдики, тирик бўла туриб, меҳрингизни ожиза қизларингиздан аядингиз? Ота, мабодо бахтим очилиб тўйим бўлса, мени излаб келасизми? Сиздан ҳеч нарса талаб қилмайман, сўрамайман. Чунки бошимда меҳрибон, ғамхўр Президентим бор. У берган янги, шинамгина бошпанам бор. Энди қизларингиз бировларнинг уйида сиғинди бўлиб яшамайди. Ижара пулини вақтида тўлай олмагани учун уй эгаларига кўз ёш тўкиб, дийдираб, кўмак сўраб юрмайди. Сизга, сизнинг оилангизга оғирлиги тушмайди. Мен шунчаки тўйим куни дадам ёнимда бўлишини, кафтларини очиб, пешонамдан ўпиб, оқ фотиҳа беришини истайман. Отасидан фотиҳа олган, отаси яхши кўрган қиз бахтли бўлади, дейишади.

Отажон, сиздан хафа эмасман, фақат илтимос, мени ҳам озгина яхши кўринг, бахтим учун, келажагим учун қўлларингизни очингда, Худодан биз учун онам кўрмаган, энг ёруғ, энг саодатли кунларни сўраб дуолар қилинг.

## Фарзандларимни ҳалол ризқ билан боқаман

**Владимир ЛИМ (21 ёш):**



— 7 ёшимда онам, 12 ёшимда отам вафот этди. Кейин қариндошларим мени Бўкадаги Меҳрибонлик уйига топширди. Бу ерда ҳамма шароит бор, бир қарашда ҳаёт тўкис ва тўкин эди, лекин ота-онам йўқ, уларнинг меҳри етишмасди. Шунинг учун шароитлар менга татимаган.

Ҳар доим ўз уйим бўлишини ва унда оилам, фарзандларим билан бахтли яшашни орзу қилганман. Бугун шу орзу-ниятларим амалга оша бошлади. Уйли бўлдим.

Кафеда ошпаз бўлиб ишлайман, ишим ўзимга ёқади. Олий ўқув юртида ўқишни режалаштириб турибман. Асосийси, бўлажак оиламни, фарзандларимни ҳалол меҳнатим, ҳалол ризқ билан боқаман, кўнглини ўкситмайман. Токи уларга ҳеч ким, ҳеч қачон “Сен етимсан, ота-онанг кимлигини биласанми ўзи?”, каби юракни эзиб юборадиган сўзларни айта олмасин.

Президентимизга минг раҳмат. Унинг меҳрли сиёсати туфайли ўз уйимга эга бўлдим. Бу яқин-яқингача мен учун ушалмас орзу, эртак каби туйилган. Бугун эса эртаклар ҳақиқатга айланган кунларни ўз кўзим билан кўриб турибман.

Биз ҳамиша эл хизматида бўлиб, яратилган имконият ва имтиёзлар учун шу она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб хизмат қилайлик. Ишончни, эъзозни оқлайлик. Мен каби етимларнинг бошини силагани учун, бошпана бергани учун Президентимни ҳамиша ва ҳар доим дуо қилиб ўтамиз.

> **ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА МИНГ РАҲМАТ. УНИНГ МЕҲРЛИ СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ ЎЗ УЙИМГА ЭГА БЎЛДИМ. БУ ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА МЕН УЧУН УШАЛМАС ОРЗУ, ЭРТАК КАБИ ТУЙИЛГАН. БУГУН ЭСА ЭРТАКЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН КУНЛАРНИ ЎЗ КЎЗИМ БИЛАН КЎРИБ ТУРИБМАН.**

### ХУЛОСА ЎЗИНГИЗДАН

Тақдир ҳукми ёки ота-онасининг айби билан оила деб аталмиш муқаддас гўшасидан бебаҳра бўлиб вояга етган бу уч тақдирнинг уч ҳикояси орамизда учраб турадиган баъзи бемеҳр ота-оналарга ибрат бўлса қанийди.

Бу ёшларнинг дил сўзларига ортиқча сўз қўшмадик, бўрттирмадик. Борини борича эшитдик ва ёздик. Чиндан ҳам Президентимизнинг меҳрли сиёсати билан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва етим болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва юксак эътибор таҳсинга лойиқ. Зеро, бу каби ўғил-қизларнинг истиқболли келажаги, бахтли ҳаёти учун юртимизда барча шароитлар бадастир. Улар бугун олий таълим муассасаларида таҳсил оляпти, муносиб иш ўрнига эга бўляпти, замонавий уйлардан бошпана бериляпти.

Тўғри, уларнинг синган, ўксиган, озорланган кўнгил оғриқларини ҳеч ким кетказа олмайди. Аммо дардига дармон, ярасига малҳам бўлиш мумкин. Мақолани Президентимизнинг **“Кўнглингиз ўксимасин, тақдир сизга ҳозир синов берди. Лекин келажакда сизларни кўп яхшиликлар кутиб турибди, тенгдошларингизга ўрнак бўладиган инсонларга айланасиз. Мен бунга ишонаман. Сизлар икки карра кўп меҳр оласиз. Бу меҳр сизларга бахт олиб келсин, саломатлик олиб келсин. Мен сизларнинг бахтингиз, соғлиғингиз ҳақида эшитиб юрай”,** деган сўзлари билан якунлашга қарор қилдик.

Бу кўҳна оламда турмушнинг залварли юки ичра баъзан араз, баъзан гина қилиб юрар эканмиз, ўз уйингнинг эгаси бўлишдек бахтнинг қадрига ҳар доим ҳам етавермаймиз. Чоғроқ бўлса-да, уйимизнинг тафту ҳарорати борлигини ҳис этавермаймиз. Бизни шукроналик ҳисси тарк этмасин!

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
11413 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:33 Топширилди — 23:35